

Ота онага вафотидан сўнг яхшилик қилиш (тўртинчи мақола)



15:00 / 24.12.2020 3020

لَصَيِّئٌ نَّانُحًا نَمَ؛ لِقَابِ اطِّخْلَانُ بَرْمَعٌ نَّانُحًا لَبَّ؛ لِقَابِ نُنْبُلٍ لِبَاتِ نَع
يُرْوَمَلُ نُنْيُحُ هَاوَرُ هَدَعَبِ هَيْبَانُ اَوْحِ لَصَيِّفٍ وَرَبَقِ يَفُ هَابَا

Собит Бунонийдан ривоят қилинади:

«Бизга Умар ибн Хаттобнинг «Ким отасига унинг қабрида силаи раҳм қилишни истаса, отасининг ака-укаларига силаи раҳм қилсин», дегани етиб келган».

Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.

Қаранг, ота-онанинг ҳаққи фарзандларда улар дунёдан ўтиб кетганларидан кейин ҳам қолар экан. Фарзанд қабрида ётган отасига ҳам

Демак, кўпчилик мусулмонларга доимий равишда манфаат бериб турадиган хайрли ишлар энг яхши садақа ҳисобланар экан.

Афсуски, баъзи юртларда садақа деганда фақат қозон осиб, таом пишириш тушуниладиган бўлиб қолган. Бу очликдан қийналаётган кишилар бор жойда бир марта бўлса ҳам, қорнини тўйдира олмай юрганлар учун яхши садақа бўлади. Аммо, шароитга қаралса, оддий, ночор, ёрдамга муҳтож мусулмонларга кўпроқ манфаат берадиган амал қилинса, садақанинг савоби кўп бўлади. Буни ҳал қилишнинг энг яхши йўли Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳунинг тутган йўллари дир.

Аҳли сунна ва жамоа уламолари жумҳури: «Маййит ўзидан бошқанинг амалидан манфаат олади», деганлар. Улар қуйидагиларни айтадилар:

«Ким: «Инсон фақат ўзининг амалидангина манфаат олади», деса, ижмоъни бузган бўлади. Бу гап бир неча важҳдан ботилдир:

1. Инсон ўзидан бошқанинг дуосидан манфаат олади. Дуо ҳам бошқанинг амалидир.
2. Пайғамбар алайҳиссалом маҳшар аҳлига – аҳли жаннатга жаннатга киришларига, гуноҳи кабира аҳлига дўзахдан чиқиб, жаннатга киришларига шафоат берадилар.
3. Фаришталар ер аҳлига дуо қиладилар ва истиффор айтадилар.
4. Мўминларнинг болалари ота-оналарининг амаллари ила жаннатга кирадилар.
5. Икки етим бола отасининг амалидан манфаат олган. Қуръонда: «оталари солиҳ бўлган эди», дейилган.
6. Маййитнинг садақа ва қул озод қилишдан манфаат олиши суннат ва ижмоъ билан собит бўлган.
7. Маййит қарздор бўлса, ўлганидан кейин унинг қарзи берилса, қарзи узилади. Бу валийсининг амалидир.
8. Набий алайҳиссалом Нажошийга намоз ўқиганлар.

Бу масаладаги тортишувда, асосан, таассуф устун келади. Зотан, барча тортишувларда ҳам шундай бўлади ва натижада икки томон ҳам асл мақсаддан узоқлашиб кетади. Аслида эса, тушунса бўладиган иш.

Маййитнинг ортидан қилинадиган хайр-эҳсон, дуо ва бошқа ишлар шариатнинг асосини ташкил этмайди. Аксинча, булар бир қўшимча нарсалар бўлиб, асосини ҳар бир одамнинг ўзи қилган амали ташкил этади.

Шунинг учун ўлгандан кейин бошқанинг амалидан манфаат тегар экан, деган ўй билан бу дунёда шариатга амал қилмай юравериш мутлақо нотўғридир. Ҳатто баъзи жойларда йилига бир марта худойи қилиб қўйишни «дин» деб тушунадиганлар ҳам бор.

Жумҳур уламолар «Маййитга ўзганинг амали манфаат беради», деган ҳукмни хаёлан топиб айтган эмаслар, балки оят ва ҳадисларга суяниб, уларни ҳужжат қилиб айтганлар. Шунинг учун бу нарсани тўғри тушуниш ва унга тўғри амал қилиш керак».

(Тамом)

«Бахтиёр оила» китобидан